# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 15 февраль, № 32 (5199) Сешанба


## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Корхона фаолияти кенгайди

**АНДИЖОН. Хонобод шаҳрилик тадбиркор Раҳмонали Рустамов раҳбарлик қилаётган “Шарқ юлдузи” хусусий корхонаси қошидаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цех модернизация қилинди.**

Бунинг учун банкнинг 13,5 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир ўн киши меҳнат қилаётган мазкур цехда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошиб, кунига қарийб бир тоннага яқин маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, якунланган йилда тижорат банклари томонидан шаҳардаги 41 нафар тадбиркорга 1 миллиард 196,6 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Уй бекалари учун иш ўринлари

**ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз тумани бандликка кўмаклашиш маркази ҳузурида “Шаҳрисабз касаначи” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

Ушбу лойиҳа БМТнинг 22 минг евро миқдоридаги гранти ҳисобига амалга оширилди. Ҳозир 20 нафар хотин-қиз касаначилик асосида иш билан таъминланган мазкур жамиятда дастлабки 10 миллион сўмликка яқин 200 турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

Таъкидлаш керакки, туманда 246 нафар уй бекаси саноат корхоналарида шартнома асосида касаначи сифатида фаолият кўрсата бошлади.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Йўловчиларга қулайлик

**БУХОРО. “Амир-транссервис” масъулияти чекланган жамияти банкнинг 650 миллион сўмлик кредити ҳисобига 10 та “ISUZU” русумли автобус сотиб олди.**

Айни пайтда мазкур автобуслар шаҳар ҳудудида иккита янги йўналиш бўйича қатновни амалга ошириб, кунига 15 мингдан зиёд йўловчига хизмат қилмоқда.

Самарқандда ишлаб чиқарилаётган бундай автобуслар қулай ва ихчамлиги билан йўловчиларга манзур бўлаётир. Шу боис 2010 йилда 50 та шундай автобус харид қилиниб, бешта янги йўналиш бўйича қатнов йўлга қўйилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Илғор технология – ишлаб чиқаришга

**САМАРҚАНД шаҳридаги мебель тайёрлашга ихтисослаштирилган “Сабина-С” хусусий корхонаси жамоаси банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига ўз фаолиятини кенгайтирди.**

Хориж технологиялари ёрдамида бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баробарга ортиб, йилига 350 миллион сўмлик мебель жиҳозлари тайёрлаш имконияти яратилди. Иш ўрни эса 10 тага кўпайди.

Корхона жамоасининг ўтган йили ички бозорга 200 миллион сўмликдан ортиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулот чиқаргани, айниқса, диққатга сазовордир.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, хусусан, уларни касаначилик асосида меҳнатга жалб қилиш, касб-ҳунар ўқув марказларида ҳунармандчилик сир-асрорларини ўргатиш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Натижада уларнинг билим ва кўникмалари ортиб, ўз истеъдодларини турли соҳаларда намоён этмоқдалар.

**Ислоҳот**

Бунга Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар мисол бўла олади.

Гап шундаки, ўтган йили вилоятда 59 минг 423 киши иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг 25 минг 631 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бундан ташқари, 1517 нафар аёлга касаначилик асосида меҳнат қилиши учун шароит яратиб берилди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига янада ошиши кутилмоқда. Уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида жойларда 50 дан ортиқ ўқув маркази фаолият юритаяпти. Табиийки, бу хотин-қизларни касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

# КЎРГАЗМАЛИ ТАРҒИБОТ – ҲАЁТ КЎЗГУСИ

***Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ҳайъатининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилидаги устувор вазифалари ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасини ўрганишга бағишланган сайёр семинар-йиғилиш ўтказилди.***

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Айниқса, юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қонунлар, дастурлар қабул қилинаётгани, мақсадли чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида юртимиз барқарор тараққий этиб, халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Энг муҳими, бу янгиланишлар аҳоли ҳаётида, турмушида ўз аксини топмоқда. Буни Наманганга ташриф буюрган анжуман иштирокчилари ҳам алоҳида таъкидлашди. Зеро, бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарор асосида мислсиз бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқарилмоқда.

**Анжуман**

Албатта, мазкур ютуқларни, натижаларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, ёшлар онгу шуурида бу ишларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси фаолиятининг аҳамияти катта. Қолаверса, уюшманинг вилоят бўлими томонидан янгиланаётган Наманган шаҳри, унинг кенг ва равон кўчалари, обод тураржой даҳаларига ўрнатилган кўргазмали-тарғибот воситалари, айниқса, меҳмонларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

Семинар-йиғилишда “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг 2010 йилдаги фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинди. Уюшма раиси И. Латипов шу мавзуда сўз юритиб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат, жамиятдаги янгиланишлар мазмун-моҳиятини оммага тушунтириш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда кўргазмали тарғибот-ташвиқотнинг ўрни катта эканлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, Президентимиз томонидан эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ижро этишда уюшма олдида қатор вазифалар тургани айтиб ўтилди.

Йиғилишда уюшманинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” учун белгиланган режалари тасдиқланди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов қатнашди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Иқтидорли, тадбиркор, изланувчан, маънавий соғлом ва илмий салоҳияти юксак ёшлар миллат келажагини белгилайди. Шу боис мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия беришда иқтидорлиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш диққат-эътиборда бўлмоқда.*

# ФАОЛ ЁШЛАР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи ўз лойиҳа ва ғояларини амалга оширишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётир. Қувонарлиси, бугунги кунда жамиятимизда шундай фаол ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

**2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

Қарши шаҳрида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган Ёшлар форуми доирасидаги тўрт кунлик семинар машғулотлари якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 2008 йили “Ёш тадбиркорлар” мактаби ташкил этилган эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида унда тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаган йигит-қизларнинг аксарияти ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Мактаб иштирокчилари учун малакали тренерлар томонидан махсус тайёрланган дастур асосида ўқув семинарлари ташкил этилди. Унда ёшлар тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш, бизнес-режа тузиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имтиёзли кредит маблағлари олиш ҳақида кенг маълумотларга эга бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш имконини беради

***Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан Олий Мажлис қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмиталари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеП ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди.***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларига бағишланган мазкур тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва қўмиталар, идора ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди.

**Концепция: устувор вазифалар**

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида таъкидланганидек, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган санадан то шу кунга қадар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли жабҳаларини ислоҳ этиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиз ривожидаги улушида ҳам намоён бўлаётир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани, ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. Яна бир маълумот: ўтган йили мазкур соҳани ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилгани эса айни муддаодир.

(Давоми 2-бетда).

# МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИ РИВОЖИ

## мутахассислар фаолияти самарадорлиги ва салоҳияти юксалишида намоён бўлади

*Ҳар қандай давлат тараққиётида ундаги молия-банк тизимининг барқарорлиги катта роль ўйнайди. Бу ҳақиқат 2008 йилда бошланган ва ҳали-ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яна бир карра ўз исботини топмоқда.*

**Семинар**

Гап шундаки, аксарият мамлакатларда ушбу соҳанинг мураккаб аҳволга тушиб қолиши улар иқтисодиётининг издан чиқишига ва қатор муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Биз учун аҳамиятлиси, мана шундай кескин шароитда ҳам юртимизда молия-банк тизими изчил ривожланиб бормоқда. 2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортгани, банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўп бўлгани, депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошгани фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

# ЕР МАЛҲАМИ – БАРАКА ОМИЛИ

***Деҳқончиликда танаффус бўлмайди. Зеро, йилнинг ҳар бир фаслида, жумладан, қиш ойларида бажарилиши зарур бўлган агротехника тадбирлари бор. Уларни бекаму кўст амалга оширмасдан туриб, мўл ҳосил етиштириш мушкул. Хусусан, ғаллачиликда мавсумий ишларнинг сифатли ва ўз вақтида уддаланиши катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда, айниқса, об-ҳаво шароити инобатга олинган ҳолда иш тутилса, натижаси анча самарали бўлади.***

Маълумки, ўтган йилнинг куз фаслида ёғингарчилик нисбатан кам кузатилган эди. Мазкур ҳолат жорий йил қишида ҳам давом этмоқда. Бу эса деҳқонларнинг масъулиятини янада ошираяпти. Негаки, ернинг намлиги меъёрида сақлаб турилмаса, ҳосил бой берилиши мумкин. Мутахассислар бундай пайтда экинни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришни тавсия қилишмоқда.

Тажрибадан аёнки, ғалла майсаларини бу усулда озиқлантириш Оролбўйи ҳудудида яхши самара беради. Чунки маҳаллий ўғит ҳозиргидек қуруқ келган йилларда тупроқнинг табиий намлигини сақласа, қаҳратоннинг қировли кунларида, бамисоли кўрпадек, уни совуқдан асрайди. Шунинг учун ҳар йили чорва молларининг нуриси, дарахт барглари, экин қолдиқлари, эски деворлар кесаги, зовур ва ариқлар лойқасини

**Мўл ҳосил пойдевори**

дала бошига чиқарамиз. Масалан, 2011 йил ҳосили учун 59,4 гектарда парваришланаётган ғалла майдонининг ҳар гектарига 10 тоннадан, жами 594 тонна маҳаллий ўғит ғамлаган эдик. Унинг қарийб ярмини ривождан орқада қолаётган майсаларга сепганимиз айни муддао бўлди: экиннинг ривожи тезлашиб, туплаш, ўсиш жараёни жадаллашди. Сабаби, у тупроқ таркибини яхшилаб, ернинг ҳайдов қатламида намнинг сақланишини узайтирди, микроорганизмларнинг фаол ишлашига қулай шароит яратди.

Жамғарилган маҳаллий ўғитнинг қолган қисмини эса ҳар 3 гектар ерда кавланган махсус ҳандақларга компост қилиб қўйдик. Уни экинни суғориш пайтида “шарбат” қилиб оқизамиз. Шундай қилинганда, нафақат экин қониб сув ичади, балки нам узоқ сақланиб, обиҳаёт тежалади.

(Давоми 2-бетда).

***Ҳаётда ҳамма нарса муқояса, яъни таққос орқали намоён бўлади. Халқимиз, айниқса, катта авлод вакиллари бугунги фаровон турмушимизни кечаги кун билан қиёслаб, уни қадрлаш кераклигини жуда яхши англашади. Зеро, Ўзбекистон илгари марказнинг хом ашё етказиб берадиган қолоқ ўлкаси бўлганлиги кўпчиликка аён. Айнан таназзулга учраган тизимдан бизга, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек, бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди...***

# ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

## мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир

Мамлакатимиз яқин ўтмишда қандай бўлганинию бугун қандай ютуқлар, марраларни қўлга киритаётганини таққослаб, албатта, бу улкан ўзгаришлар, юксак натижаларга ўз-ўзидан эришилмаганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳозир юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, яратувчанлик борасидаги натижаларимиз эътироф этилмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида юртимизга ташриф буюрган хорижлик киши бугунги кунда яна мамлакатимизда бўлиб, "Бу ўзининг буюк келажагига ишонган, интилган замонавий, мутлақо янги мамлакатдир", дея алоҳида таъкидламоқда.

Албатта, бу натижалар, марраларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Буларнинг бари — халқимизнинг заҳмати, улкан меҳнати самарасидир. Зеро, айнан мана шу меҳнат Ўзбекистонни иқтисодий қолоқ мамлакатдан, замонавий саноатлашган давлатга айлантирди.

Буларни Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида келтирилган рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди: агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга етди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

Давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан изчил одимламоқда. Бунда, табиийки, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бугун, маърузада таъкидланганидек, пахта ва ғалла каби стратегик аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми сезиларли даражада кўпайди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун мустаҳкам хом ашё базаси яратилаяпти.

Мамлакатимизда бу вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда соҳада ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

**Муносабат**

Фақат 2010 йилнинг ўзида бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилишда қўл келди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда қулай ва барча коммунал хизмат шарт-шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари изчил олиб борилаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой қурилди. Янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ҳамда муносиб яшаши учун зарур бўлган юзлаб ижтимоий ва бозор инфратузилмаси иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Дарҳақиқат, бугун қишлоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Айни чоғда бу каби саъй-ҳаракатларни истиқболда янада кенгайтириш лозим бўлади. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек, саноат билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Шу боисдан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби тармоқларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш айни заруратдир.

Шу ўринда Юртбошимиз ташаббуси билан изчил амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ислоҳотларнинг аҳамияти беқиёслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, бу чора-тадбирлар мамлакатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан талафотларсиз чиқиши ҳамда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Албатта, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни рўёбга чиқаришда сенаторлар фаол иштирок этишади. Бунда нафақат конституциявий ваколатларимиздан самарали фойдаланамиз, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликда дастурларнинг жойларда бажарилишини чуқур таҳлил қилиб, мавжуд нуқсон ва камчиликларни изчил бартараф этиш чораларини кўрамиз. Зеро, барча саъй-ҳаракатларимизни бир мақсад йўлида сафарбар этсаккина, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришимиз мумкин бўлади.

**Хамрабой РАЗЗАҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

# МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

## кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш имконини беради

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосини бугунги кун талаблари даражасида янада такомиллаштириш зарурлиги хусусида ҳам сўз юритилди. Зеро, Концепцияда бу масалага катта эътибор қаратилган. Жумладан, унда "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"-ги янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида белгиланган. Айни чоғда амалдаги айрим қонунларни бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш ҳаётий заруратдир.

— Концепцияда илгари сурилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади, — дейди депутат Т. Турсунов. — Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун соҳанинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш муҳим.

Тадбирда, шунингдек, хусусий банк ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш орқали банк-молия соҳасига хусусий капиталга жалб этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айни чоғда соҳани кредитлаш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш масалаларида ҳам қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИ РИВОЖИ

## мутахассислар фаолияти самарадорлиги ва салоҳияти юксалишида намоён бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда республикамиздаги 15 та тижорат банки дунёда катта нуфузга эга бўлган "Фитч Рейтингс", "Мудис" ва "Стандарт энд Пурс" халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" деган рейтинг даражасига эга эканлиги ҳам биз учун фахрланарли ҳолдир. Бу натижалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" самараларидир.

Кеча пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида ўз ишини бошлаган "Банк ишида халқаро стандартлар: рискларни бошқариш" йўналиши бўйича махсус курслар-(тренинг)нинг очилиш маросимида ҳам шулар ҳақида сўз борди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Банклари ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевордир.

Малакали кадрлар ҳар бир соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг 2007 йил 5 сентябрдаги қарорига асосан ташкил этилган мазкур таълим даргоҳида ҳам иқтисодиётимиз учун етук мутахассислар тайёрланмоқда. Жумладан, "Тадбиркорлик ва менежмент", "Бизнес ва маркетинг", "Банк иши ва молия", "Бизнес соҳасида замонавий ахборот технологиялари", "Саноат менежменти", "Меҳмонхона менежменти" (бакалавр), "Банк иши ва молия менежменти", "Маркетинг менежменти" (магистратура босқичи) йўналишларида талабалар замонавий билим ва кўникмаларини шакллантиришмоқда.

— Институтда ташкил этилган махсус курслар тижорат банклари ва молия институтларини замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал тайёргарликка эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди тренинг олиб борувчи, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ўқитувчиси Жамшид Жалилов. — Шунингдек, молия-банк фаолияти соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларида ҳисобот ва ҳисоб юритишнинг янги йўналишларини шакллантиришга имкон яратиш, замонавий технология ва услубиётларни жорий қилиш, молия-банк маълумотлари даражаси ҳамда сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ келишини таъминлашга қаратилган.

Махсус курсларда республикамиздаги тижорат банклари кредит-инвестиция бошқармалари ходимлари иштирок этмоқда.

— Мазкур тадбир касб маҳоратимизни янада такомиллаштириш учун айни муддаодир, — дейди тингловчи, "Ҳамкорбанк" ОАТБ Шаҳрихон филиали вакили Шерзод Йўлдошев. — Унда биз учун зарур бўлган йўналишлардаги маърузалар ва амалий машғулотлар фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Шу билан бирга, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлаяпмиз.

19 февралга қадар давом этадиган ўқув-амалий семинар якунида тингловчиларга халқаро намунадаги сертификатлар топширилади.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, ёғингарчилик кам бўлиб, қировли совуқ кунларнинг узоқ давом этиши оқибатида кучли ва кучсиз шўрланган майдонларда шўр юзага кўтарилиб кетиши мумкин. Соҳа мутахассисларининг айтишича, ер малҳами ҳисобланган маҳаллий ўғитнинг қўлла-

# ЕР МАЛҲАМИ – БАРАКА ОМИЛИ

нилиши ушбу салбий ҳолатнинг ҳам олдини олади. Шу билан бирга, тупроқнинг донадорлигини ошириб, унумдорлигини яхшилайди. Шу боис маҳаллий ўғит жамғариш бошланганда, ҳеч ким четда қолмади. Жумладан, фермер хўжалигимиз ишчиларига бу борада маҳалла оқсоқоли Аманбой Сейилхонов етакчилигидаги "Жанга қалъа" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси яқиндан ёрдам беришди. Натижада ариқ ва зовурлар тозаланиб, хонадон ва кўчалар саранжом-саришта бўлди.

Кўпчилик кўтарган юк енгил бўлгани каби, ҳамжиҳатликда етиштирилаётган ғалла хирмони ҳам сарбаланд бўлади. Шундай фараҳли кунларнинг ҳаммамизга насиб этиши эса айни кунлардаги ҳаракатимизга боғлиқдир.

**Майрамгелди ҚИЛИЧНАЗАРОВ,**
**Қонликўл туманидаги «Ақтелпек» фермер хўжалиги раҳбари.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва Олий хўжалик судлари томонидан ҳудудий семинар-тренинг ташкил этилди. Суд этикаси, судьялар ва суд ходимларининг меҳнат ҳамда касбий маҳоратини оширишга бағишланган тадбирда Тошкент шаҳри ва вилояти судлари судьялари, ходимлари иштирок этди.***

# КАСБ ОДОБИ ВА МАЛАКАСИ

## одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Буни мамлакатимизда инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳуқуқларини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, сиёсий институтлар ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Тадбир**

Жумладан, бу борада жиноятлар таснифи тўлиқ ўзгартирилди. Унга кўра, оғир жиноятлар тоифасига киритилган жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди. Шу билан бирга, судларни жиноий, хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш амалга оширилиб, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш ҳамда ярашув институти жорий этилди. 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозир ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида прокурор ва адвокат ҳуқуқлари тенглиги ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Тадбирда судьялик лавозимларига кадрлар танлаш тизимини, судлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, судьялар малакасини замон талаблари асосида ошириб бориш хусусида ҳам сўз юритилди.

— Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги босқичида судья ва суд ходимлари малакаси ҳамда этикасини шакллантириш, керак бўлса, уни ҳуқуқий тартибга солиш вақти келди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги тадқиқот маркази директори Жаҳонгир Ҳайдаров. — Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари ҳамкорлигида "Суд этикаси кодекси" лойиҳаси тайёрланмоқда. Унда судья одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар, судьяларнинг касбий фаолияти ҳамда ўз ҳамкасблари ва қўл остидаги ходимлар билан муносабатида амал қилиши лозим бўлган меъёрлар, судьялар олдига қўйиладиган талаблар қамраб олинаяпти.

Тадбирда, шунингдек, суд тизимида хизмат қилаётган судьялар ва суд ходимларининг мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Айни чоғда "Суд этикаси кодекси" лойиҳасини янада маромига етказиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Урганч шаҳридаги "Зулфия — Севинч" хусусий корхонаси хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида самарали иш юритаётган муассасалардан биридир. Бу ерда тикувчилик, зардўзлик бўйича курслар ташкил этилган. Ҳозир корхона қошида зардўзлик бўйича 10 нафар аёл касаначилик асосида меҳнат қилаяпти. Улар томонидан 30 турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Мақсадимиз — хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, — дейди корхона раҳбари Зулфия Машарипова. — Шу боис аёллар касб ўрганиши ва меҳнат қилишлари учун янада қулай шароит яратишга интилаяпмиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**



## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 15 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1667,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2667,25 |
| 1 Дания кронаси | 301,42 |
| 1 БАА дирҳами | 452,17 |
| 1 АҚШ доллари | 1660,70 |
| 1 Миср фунти | 282,58 |
| 1 Исландия кронаси | 14,19 |
| 1 Канада доллари | 1684,79 |
| 1 Хитой юани | 251,83 |
| 1 Россия рубли | 56,64 |
| 1 Украина гривнаси | 209,05 |
| 1 Малайзия ринггити | 544,22 |
| 1 Польша злотийси | 574,82 |
| 1 СДР | 2580,96 |
| 1 Туркия лираси | 1046,11 |
| 1 Швейцария франки | 1708,36 |
| 1 евро | 2263,07 |
| 10 Жанубий Корея вони | 14,78 |
| 10 Япония иенаси | 199,58 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ФАОЛ ЁШЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ёш тадбиркорлар" мактаби қатнашчиларининг лойиҳалари тақдимотига бағишланган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳомийлар, иқтидорли ёшлар — Фонд Форумнинг грант ва стипендиялари соҳиблари, шунингдек, ҳududдаги ёш тадбиркорлар, ҳамкор ташкилотлар ва етакчи банкларнинг вакиллари иштирок этди.

Ҳудудда кичик тадбиркорликни такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмак бериш, ёшлар ўртасида бизнес саводхонлигини ошириш, молия соҳаси мутахассислари, манфаатдор микрокредит ташкилотлари, давлат идоралари, таълим соҳаси ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида уюштирилган мазкур тадбирда ёш тадбиркорлар мактаби битирувчилари ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказишди. Очиқ мулоқот тарзида кечган тадбирда тажрибали эксперт ва мутахассислар ёш бизнесменлар фаолияти ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Якунда эса "Ёш тадбиркорлар" мактабининг 30 нафар битирувчисига сертификатлар топширилди.

— Ҳунармандчилик бизга ота-боболаримиздан мерос, — дейди семинар иштирокчиси, Қарши шаҳридаги ёш ҳунармандлардан бири Камола Қодирова. — Уйимизда оила аъзоларимиз билан миллий услубдаги сўзаналар, аёллар либослари, ёстиқ жилдлари, нимчалар ва турли совғабоп буюмлар тикамиз. Табиий ранг, замонавийлик ва миллийлик уйғунлигидаги бундай каштачилик буюмларига ҳозир ҳам талаб катта. Маҳсулотларимизга Германия, Венгрия, Малайзия, Франция, Туркия давлатларидан интернет орқали буюртмалар тушмоқда. "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг 3,5 миллион сўмлик грантига сазовор бўлиб, янги компьютер технологияси асосида турли логотиплар, брендлар, ҳарбий кийимларга тикиладиган шиврон белгилари тайёрлашни йўлга қўйдик. Олти йилдан буён шу иш билан шуғулланиб келаман. 2007 йилда "Келажак овози" танловининг тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича ғолиби бўлдим. Шунингдек, Туркияда ўтказилган Жаҳон ёшлари маданият ва санъат фестивалида иштирок этдим. Юртимизда тадбиркор ва ҳунармандларга алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли биз ёшларга бу соҳада кенг имкониятлар яратилмоқда.

Форум доирасида ёшларнинг интеллектуал ва ижодий имкониятларини ошириш учун қўшимча шарт-шароит яратишга йўналтирилган тадбирлар ҳам ташкил этилди. Хусусан, "Дилемма" баҳс-мунозара клуби машғулотларида ёшлар турли масалалар бўйича эркин фикр алмашиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий билимларини ошириш, мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий ва сиёсий янгиликлар ҳақида керакли маълумотларга эга бўлдилар ҳамда муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш бўйича кўникма ҳосил қилдилар.

Форум якунига бағишланган тадбирда энг яхши лойиҳалар муаллифлари ҳамда ўқув машғулотлари давомида ўз салоҳиятини намоён этган 50 нафарга яқин ёшлар тақдирланишди.

Форумда Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев сўзга чиқди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан "Устоз — шогирд мактаби" лойиҳасини самарали амалга ошириш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда таълим соҳаси раҳбарлари, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, Республика таълим маркази ходимлари, ўқитувчилар иштирок этди.***

# МАЪРИФИЙ ЛОЙИҲА — АМАЛДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари барпо этилди, таълим жараёни сифат ва мазмун жиҳатдан янги поғонага кўтарилмоқда. Бу жараёнда педагог кадрларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим масканларидаги ўқитиш тизимига татбиқ этилаётган "Устоз — шогирд мактаби" лойиҳаси доирасида юртимиздаги уч минг олти юз нафардан ортиқ тажрибали ўқитувчига қарийб ўн бир минг нафар ёш педагог бириктирилди. Бу педагогикадаги илғор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришда, ўқитувчиларнинг ўзаро фикр алмашиши ҳамда таълим соҳасидаги янгиликлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятидан бохабар бўлишида алоҳида аҳамият касб этаётир.

Семинарда лойиҳа доирасида ўрганилган илғор педагогик технологиялар очиқ дарслар тарзида намойиш этилди. "Устоз — шогирд мактаби" лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишнинг келгусидаги истиқболлари белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Келишмовчиликдан кўнгилсизликка

***Мексиканинг Гвадалахара шаҳрида кўнгилсиз воқеа рўй берди.***

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, шаҳардаги “Butter Club” номи билан аталувчи барга бир гуруҳ номаълум кимсалар кириб, у ердагиларни ўққа тутган. Оқибатда олти киши ҳаётдан кўз юмган, 37 киши жабрланган.

Федерал хизмат вакиллари воқеа барда икки кишининг ўзаро келиша олмагани туфайли келиб чиққан, деган тахминни илгари суришмоқда.

## Меъёридан ортган мақтов

***Буюк Британиядаги эълонлар назорати билан шуғулланувчи “ASA” ташкилоти янги номдаги “Belle d`Opium” ва “Yves Saint Laurent” атирлари рекламасини тақиқлади.***

Бунинг сабаби парфюмерия маҳсулотлари ҳақидаги роликларда гиёҳвандлик моддаларини қабул қилишга ўхшаб кетадиган кўриниш, демакки, шу зарарли одатга ундов борлиги билан изоҳланмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, “ASA” телевидение, радио, матбуот ва бошқа воситаларда бериб бориладиган рекламаларни кузатиб боради, баҳолайди, зарурат туғилганда эса тақиқлайди. Яқин кунлар ичида ушбу ташкилот ўз фаолиятини кенгайтириб, онлайн рекламаларни тартибга солиш ваколатига ҳам эга бўлишни мақсад қилмоқда.

## Автобусда портлаш

***Ироқда автобусда кетаётган террорчи портловчи қурилмани ҳаракатга келтирган, дейилади “Франс пресс” ахборот агентлиги хабарида.***

Портлаш оқибатида 27 киши ҳалок бўлган, шунча киши жиддий жароҳатланган. Қўпорувчилик Бағдоддан 110 километр узоқликдаги Самарра шаҳрида рўй берган.

## Замонавий ва тежамкор

***Шу йилнинг март ойида Швейцариянинг Женева шаҳрида халқаро моторшоу ўтказилади.***

Мазкур глобал кўргазмада барча автомобиль ишлаб чиқарувчилари қатори Жанубий Кореянинг “SsangYong” компанияси ҳам ўзининг янги модели билан иштирок этишни режалаштирган. Унинг “SUT — 1” номини олган автоулови замонавий дизайнга эга ва тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Янги русумнинг қуввати 155 от кучига тенг бўлиб, экологик жиҳатдан ҳам бугунги кун талабларига жавоб беради.

## Ишком келтирган бойлик

***Франциянинг Арбуа шаҳрида ташкил этилган фестиваль доирасидаги кимошди савдосида каҳрабо рангдаги шаробнинг бир шишаси 57 минг еврога сотилди.***

1773 йилда тайёрланган ичимликни швейцариялик Пьер Шеврье харид қилди. Шароб кечпишар оқ узум сувидан олинган.

Ҳозирги кунгача “Chateau Cheval-Blanc” навли шароб энг қиммат ҳисобланади. 2010 йилда унинг бир шишаси 200 минг еврога сотилганди.

## Чилида зилзила

***Чилида 6,8 балли зилзила содир бўлди.***

Бу ҳақдаги хабарни АҚШ Геология хизмати тарқатди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Мазкур ҳудудда энг йирик табиий офат ўтган йилнинг айнан февраль ойида кузатилганди. Ўшанда ер силкиниши 8,8 баллни ташкил этган эди.

## Ғолиблар тақдирланди

***Дам олиш куни Лондонда Буюк Британия кино ва телевидение академияси (BAFTA)нинг жорий йилдаги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда режиссёр Том Хупер томонидан суратга олинган “Қирол сўзлайди” фильми еттита номинацияда ғолибликни қўлга киритди.

Кинотанқидчилар томонидан ижобий баҳоланган “Ижтимоий тармоқ” фильми эса BAFTAнинг тўртта номинациясида совриндор бўлди. Жами 12 та йўналиш бўйича беллашган “Қора оққуш” фильмига атиги битта мукофот насиб этди. Картинада бош ролни ижро этган Натали Портман “Энг яхши актриса”, деб топилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ШАМОЛ ЭНЕРГИЯСИ

## экологик тозалиги ва самарадорлиги билан афзал

***Сайёрамизда углеводород захираларининг тобора камайиб бораётгани муқобил энергия манбаларидан амалда кенгроқ фойдаланиш заруратини туғдирмоқда. Албатта, ёқилғи ёки электр энергияси ўрнини босиши мумкин бўлган, ноанъанавий усулларда ҳосил қилинадиган воситалар кўп. Аммо улар орасидан атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, фойдаланишда самарали ва айни пайтда маблағ жиҳатдан мақбулини танлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, шамол энергиясининг қатор афзалликлари мавжуд.***

Фан ва амалиёт



Аввало, айтиш жоизки, шамол қайта тикланувчи энергия манбаи ҳисобланади. Шунинг учун курраи заминимиз узра сузиб юрадиган ҳаво оқимидан маиший мақсадларда фойдаланиш тарихи ҳам узоққа бориб тақалади. Манбаларда келтирилишича, милоддан олдинги II асрда Форс ўлкасида дон янчиш мақсадида илк марта шамол тегирмонлари қўлланила бошланган. XIII асрга келиб, бундай қурилмалар Европага кириб борган. Электр токи ишлаб чиқаришга мўлжалланган шамол электр станцияси (ШЭС)нинг дастлабкиси эса 1890 йилда Данияда бунёд этилган. XX асрнинг 40 — 70 йилларида ушбу соҳа инқироз даврини бошидан кечирди. Ниҳоят, 1980 йилларга келиб, АҚШнинг Калифорния штатида ШЭС ёрдамида электр ишлаб чиқарувчилар учун қатор имтиёзларнинг яратилиши билан соҳага бўлган қизиқиш яна жонлана бошлади.

Бугунги кунда мазкур муқобил қувватни ишлаб чиқариш Ғарбий Европада анча оммалашган. Сабаби, бунинг учун табиий шарт-шароитлар мос бўлиши баробарида ушбу турдаги энергияга талаб ҳам ортиб бораётир. Замонавий ШЭСлар 3-4 м/с. дан 25 м/с.гача бўлган тезликдаги шамол муҳити, рельефи нисбатан баланд бўлмаган жойларда оптимал ишлайди. Шундай жиҳатларга эга бўлган Германия ҳозирги вақтда шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича жаҳонда етакчилик қилмоқда. Маълумотларга қараганда, мазкур мамлакатда сўнгги йилларда 9000 МВт қувватли ШЭСлар бунёд этилган ва бу жараён жадал давом этмоқда. Ҳозир Европа мамлакатлари саноатининг ШЭСлар билан боғлиқ тармоқларида 60 000 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Мақсадлар ҳам шунга яраша. Масалан, 2020 йилга бориб, Германия 20 фоиз электр энергиясини ШЭСлар ёрдамида ишлаб чиқаришни режалаштирган. Европа Иттифоқининг бошқа аъзолари эса 180 минг МВт қувватли ШЭСлар ўрнатишни мўлжаллаётган бўлса, Хитой ўзининг миллий тараққиёт дастурида 30 минг МВт қувватга эга шундай станцияларни қуришни кўзламоқда. Булардан ташқари, Буюк Британия, Норвегия, Канада, Ҳиндистон, Япония, Испания, Янги Зеландия яқин келажакда шамол энергетикаси соҳасини мақсадли ривожлантириш билан боғлиқ Давлат режалари ишлаб чиққанлиги ҳақида маълумотлар бор. Халқаро энергетика агентлиги (IEA) тахминларига кўра, 2030 йилга бориб, сайёрамизда шамол энергиясига бўлган эҳтиёж 4800 Гигаваттни ташкил этади.

Ушбу муқобил энергия иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан бир қатор афзалликларга эга. Масалан, ШЭСни қуриш бошқа энергия манбаларига нисбатан арзон ва қулай. Ишлаб чиқарилаётган энергия таннархининг асосий қисмини ШЭСни қуришга сарфланган дастлабки харажатлар ташкил этади. Бундан ташқари, станция минорасининг асоси (фундаменти) одатда тўлалигича ер остида бўлгани учун, унга яқин ерларда ҳам қишлоқ хўжалиги экинларини экиш имконияти сақланиб қолинади. Оддийроқ қилиб айтганда, бундай қурилмалар учун ажратилган ҳудудлар деҳқончиликка салбий таъсир қилмайди. Шунингдек, улар ҳеч қандай ёқилғи талаб этмайди. Масалан, 1 МВт қувватли ШЭС 20 йил давомида тахминан 29 минг тонна кўмир ёки 92 минг баррель нефтни тежайди. Яна бир жиҳати, шамол электр станциялари бошқа энергия ишлаб чиқарувчилардан фарқли равишда атроф-муҳитни зарарли чиқиндилар билан ифлослантирмайди. Айтайлик, 1 МВт қувватли қурилма сайёрамиз атмосферасига ҳар йили чиқарилаётган карбонат ангидрид ($CO_2$) газини 1800 тоннага, сульфат оксиди ($SO_2$) газини 9 тоннага, азот оксидларини 4 тоннага қисқартиради. “Global Wind Energy Council” ташкилотининг ҳисоб-китоблари ҳам шунга монанд: 2050 йилга бориб, жаҳон шамол энергетикаси атмосферага чиқарилаётган $CO_2$ газининг йиллик ҳажмини 1,5 миллиард тоннага камайтиради. Энг муҳими, шамол табиатан битмас-туганмасдир. Зеро, мазкур табиий ҳодиса қуввати Ер юзидаги барча дарёларда мавжуд сув энергияси манбаларидан 100 марта кўплиги аниқланган. Буларнинг барчаси шамол энергетикаси истиқболига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Масаланинг бошқа бир тарафи ҳам бор: шамол энергетикасини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, шамол табиатининг беқарор эканлиги ШЭСларда бир маромда энергия ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади. Шуни инобатга олган ҳолда, бундай электр станцияларда қуёш батареяларидан фойдаланишни йўлга қўйиш мумкин. Айнан шу йўл билан ноанъанавий электр энергияси тўпланади ва узлуксиз таъминотга эришилади. Шунингдек, шаҳарлар яқинидаги кўп сонли ва зич жойлашган шамол иншоотлари у ердаги табиий ҳаво алмашинуви (вентиляцияси)га путур етказиши мумкин. Улардан ҳосил бўладиган механик ва аэродинамик шовқинлар одамларнинг ақлий фаолиятига халақит бериши ҳам истисно этилмайди. Бундан ташқари, мазкур станциялар фаолияти давомида ўзидан паст частотали тебранишлар (вибрациялар) тарқатади. Бу тебранишлар яқин масофадаги биноларнинг деворлари ва дераза ойналари мустаҳкамлигини ўзига хос синовдан ўтказади. Қорли совуқ ҳавода ШЭС қанотларида муз қатламлари ҳосил бўлади. Механизмнинг муттасил айланиб туриши оқибатида сумалаклар турли масофаларга отилиб кетиб, одамлар ва жониворлар ҳаётига хавф солиши мумкин. ШЭСларнинг баҳайбат ва беўхшов кўринишлари ҳам одамлар, айниқса, ёш болалар руҳиятига таъсир ўтказиши аниқланган. Бунинг олдини олиш мақсадида ва қурилмани эстетик жиҳатдан маъқул қиёфада бунёд этиш устида малакали дизайнерлар жалб этилишининг боиси ҳам, шу аслида. Хуллас, юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш йўлида олимлар жиддий изланишлар олиб боришмоқда.

Умуман олганда, шамол энергетикаси иқтисодий тараққиёт ва экологик софликка хизмат қилиши айни ҳақиқатдир. Мамлакатимизда ҳам муқобил энергия манбаларига эҳтиёж бор. Хўш, бизда ҳам шамол энергетикаси соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш мумкинми? Албатта, мумкин.

Юртимиз ҳудудида, айниқса, чўл ва адирликларда доимий эсиб турувчи ҳаво оқимлари мавжуд, демакки, улардан электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади. Шамол энергетикасини равнақ топтириш, шу орқали иқтисодий ва экологик муваффақиятлар кўламини кенгайтириш мақадида олий ўқув даргоҳларимизда соҳа учун мутахассис кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш, тегишли таълим дастурларини ишлаб чиқиш, синов майдончалари ва лабораториялар ташкил этиш айни муддао бўларди.

**Аъзам ИМОМОВ,**
**физика-математика фанлари номзоди.**

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ
қуйидаги кимёвий реагент ва хом ашёларни сотиб олиш юзасидан 01/11-сонли тендер савдосини эълон қилади:

| Лот рақами | Кимёвий реагент ва хом ашёлар | Миқдори |
| --- | --- | --- |
| Лот-1 | Техник циклогексан ГОСТ 14198-78 | 600 тонна |
| Лот-2 | PE алюминий листи, қалинлиги 0,2 мм., эни 1240 мм. | 10 000 м² |
| Лот-3 | PVDF алюминий листи, қалинлиги 0,2 мм., эни 1240 мм. | 140 000 м² |
| Лот-4 | MF алюминий листи, қалинлиги 0,2 мм., эни 1240 мм. | 150 000 м² |
| Лот-5 | PVDF алюминий листи, қалинлиги 0,3 мм., эни 1240 мм. | 150 000 м² |
| Лот-6 | MF алюминий листи, қалинлиги 0,3 мм., эни 1240 мм. | 150 000 м² |

01/11-сонли тендер муддати 2011 йил 24 февралгача қадар узайтирилди.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: group_hr@sgcc.uz

# ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

***Пойтахтимизда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Тиббий-ижтимоий марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Ижтимоий ҳимоя

Марказ биносининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фаровон ҳаётимизни таъминлашга хизмат қилаётгани ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Маълумки, мазкур жамғарма ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида бир қатор хорижий давлатлардаги хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижасида ўтган йиллар давомида кам таъминланган оилаларнинг икки юз нафардан зиёд бемор болалари хорижий давлатларнинг нуфузли клиникаларида даволаниб қайтишди. Шунингдек, ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК билан ҳамкорликда экологик вазият мураккаб бўлган ҳудудларда яшовчи кам таъминланган оилаларга “Саломатлик” поездлари орқали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Айниқса, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Корея Республикасидаги турдош жамғармалар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаётгани диққатга сазовордир. Пойтахтимизда иш бошлаган Тиббий-ижтимоий марказнинг янги биноси ҳам ана шу ҳамкорлик натижасидир. Бу мақсадлар учун 586 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

**Фазилат ХУДОЙНАЗАРОВА.**

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ
ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:
- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарматторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.
Маҳсулот сертификатланган.
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб. (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

## «Муҳаббат ҳақида афсона»

***Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли рассом Николай Шиннинг пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида очилган кўргазмаси шундай деб номланган.***

Рассом асарларини кузатар экансиз, унинг турли мавзулардаги суратларида юртига, униб-ўсган ва камолга етказган она-Ўзбекистонга бўлган чексиз меҳрни англайсиз. Мусаввир рангтасвир асарлар билан бир қаторда, график жанрда ҳам самарали ижод қилган. Николай Шин ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида мумтоз адабиёт дурдоналаридан илҳомланиб ўнлаб асарлар яратди. Чунончи, унинг ижодида Алишер Навоий меросига ёндашув етакчи ўринда турарди. “Муҳаббат ҳақида афсона” туркуми эса ана шу илҳомланиш натижасидир.

Кўргазма март ойигача давом этади.

**Саодат РЎЗИЕВА.**

Россия линолеуми
Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.
Маҳсулот сертификатланган.

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 х 600 мм,
610 х 610 мм.
Ассортимент 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

«Rational Resurs»
SUV ISITISH QOZONLARI
маҳсулот сертификатланган
Тел.: (+998-97) 786-50-09.
Факс: (8-370-95) 6-20-65.

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)
— ГОСТ 10705-80
— ГОСТ 20295-85
— ГОСТ 8639-82
— ГОСТ 8645-68
— Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75
Бундан ташқари:
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ!
113 01 80
2011 йил, 29-31 март
«Ўзэкспомарказ»
Тошкент, Ўзбекистон
agroworld UZBEKISTAN
6-ўзбек халқаро кўргазмаси
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
www.agro.worldfood.uz



**Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон адабиёти хазинасини ўзининг нодир асарлари билан безаган, миллатимизга буюк шарафлар келтирган беназир даҳодир. Шу боис мамлакатимизда 14 февраль — Бобур таваллуд топган кун муносабати билан адабий-бадиий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

# «... ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИҒ»

Жумладан, жаҳонга Бобур Мирзодек дилбар шахсни етказиб берган Андижонда ҳам қатор анжуманлар ташкил этилди. Вилоят ахборот-ресурс марказида шоир қаламига мансуб асарлар ҳамда унинг ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи экспонатлардан иборат кўргазма, айниқса, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Асосий тантаналар Бобур майдонида бўлиб ўтди. Таниқли олиму шоирлар, ёзувчию санъаткорлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари шоир ҳайкали пойига гуллар қўйиб, унинг хотирасига таъзим бажо келтирдилар.

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Заҳириддин Бобур таваллудининг 528 йиллигига бағишланган бадиий, илмий-амалий анжуман ўтказилди.

### Эҳтиром

Анжуманда фалсафа фанлари номзоди, доцент К. Ташанов, тарих фанлари номзоди Р. Бозорбоев ва бошқалар ўз чиқишларида бобокалонимизнинг ибратли фаолияти, гўзал ғазаллари ҳақида гапирдилар.

Фикр-мулоҳазага бой тарзда ўтган анжуманда Қорақалпоғистон халқ шоири Н. Тўрешова ва бошқа ёш шоирлар бобокалонимизга бағишланган шеърларидан ўқиб беришди.

Сурхондарё вилояти 1-академик лицейида давлат арбоби, саркарда, мумтоз адабиётнинг йирик вакилларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган ижодий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Менгнор Олламуродов, шоир Шафоат Раҳматуллаев ва бошқалар Бобурнинг умр йўли, ижодий мероси ва бу меросни ҳозирги давримиздаги аҳамияти хусусида гапиришди. Ҳаваскор ижодкорлар шоирнинг шеърларидан намуналар ўқидилар.

Шунингдек, вилоятнинг барча таълим муассасаларида ва жамоаларида Бобурхонлик кечалари ўтказилди.

Бухоро Давлат университетида бўлиб ўтган тадбир "Бобур, сен учун ёр деди, ёрлиғ этгил", деб номланди. Ушбу нафосат базмида шоҳ ва шоир шахсияти, унинг маънавий олами, фан ва маданият ҳомийси сифатидаги эзгу ишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. Университет мусиқа бўлими ҳамда ўзбек филологияси факультети талабалари томонидан тайёрланган мусиқий анжуман тўпланганларда илиқ таассурот қолдирди.

Навоий давлат педагогика институтида "Яхшилик истар кўнгил" деб номланган тадбир ташкил этилди. Шеърият байрамига айланган бу кечада талабалар, профессор-ўқитувчилар иштирок этди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асаридан саҳна кўринишлари намойиш этилди, "Бобурнома" асаридаги воқеалар ҳақида сўз борди.

Худди шундай учрашув Навоий давлат кончилик институтига қарашли 2-Ахборот-ресурс марказида ҳам ўтказилди.

Қарши шаҳридаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Бобур Мирзо таваллудининг 528 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этган тадбирда бобокалонимизнинг адабий мероси, давлат арбоби сифатидаги ҳаёт йўлининг тарихимизда тутган ўрни тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Тадбир якунида Бобурийлар сулоласига оид адабиётларга библиографик шарҳлар берилди.

Буюк шоир ва саркарда таваллудига бағишлаб Наманган санъат коллежида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда вилоятда яшаб, ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар, фан намояндалари, ёш қаламкашлар иштирок этди. Коллеж ўқувчилари йиғилганлар ҳузурида шоир асарлари асосида тайёрлаган саҳна кўринишларини намойиш қилишди. Санъаткорларнинг Бобур ғазаллари асосида куйлаган қўшиқлари дилларга сурур бағишлади.

Худди шундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа вилоят, шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

---

**Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Эътибор ва мавжуд шарт-шароитлар ёшларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлаш баробарида, халқаро миқёсдаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига кенг йўл очиб бермоқда. Наманганда ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз маҳоратини намойиш этаётган ўғил-қизлар сони тобора ортиб бораётир.**

# ИМКОНИЯТ ВА МАҲОРАТ ЧЕМПИОНЛИККА ЕТАКЛАЙДИ



— 2010 йил ёз ойида Сингапурда сув полоси бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Ибодилла Жабборов. — Биз учун аҳамиятлиси, жамоа асосан наманганлик қизлардан иборат эди. Вакилларимиздан учтаси шахсий биринчиликда ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Бу қизлар вилоят марказидаги 23-болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиларидир. Яна бир спортчимиз Аҳмаджон Мамажонов эса Теҳронда бокс бўйича ташкил этилган қитъа чемпионатида олтин медаль соҳиби бўлди.

Дарҳақиқат, Наманганда ёшларни жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасидаги ишлар йилдан-йилга такомиллашиб бораётир. Айни пайтда вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 161,5 минг нафардан ошиб кетди. Спорт тўгаракларига қатновчиларнинг асосий қисми умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда соғломлаштириш гуруҳлари тарбияланувчиларидир. Уларнинг жисмоний етуклик машғулотлари билан мунтазам шуғулланиб, маҳоратлари сайқал топишида жамғарма томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, халқаро андозалар даражасида барпо этилаётган замонавий спорт иншоотлари сони кўпайиб, улар зарур жиҳозлар билан босқичма-босқич таъминланаётгани машғулотларни кўнгилдагидек ўтказишда қўл келаяпти. Масалан, ўтган йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан 4 та янги спорт зали ва шунча сузиш ҳавзаси қурилди, 3 та мажмуа реконструкция қилинди. Бунёдкорлик ишлари учун 7,5 миллиард сўмликка яқин маблағ сарфланди.

Улардан бири Наманган шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун барпо этилган янги бинодир. Бу ердаги ёпиқ спорт зали, баскетбол, волейбол, бадминтон майдонлари ва бошқа иншоотларни барпо этиш учун 1 миллиард 190 миллион сўм миқдорида сармоя сарфланди. Зални жиҳозлашда хориждан келтирилган халқаро андозаларга мос резина тўшамадан фойдаланилган бўлса, Беруний соҳили даҳасидаги уч залли мажмуага маҳаллий "Машхим" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган ринг ўрнатилди.

### Болалар спорти

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг молиявий кўмаги билан умумтаълим мактаблари моддий-техник имкониятларини кенгайтириш, спортчиларни зарур жиҳозлар, хусусан, махсус кийимлар билан таъминлаш масаласи ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, 2010 йилда таълим даргоҳларига 1316 та теннис столи жамланмаси олиб берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига 481 та спорт формаси тарқатилди.

Яратилаётган бундай шарт-шароитлар эртага ўз мевасини бериши, табиий. Спорт мажмуаларида тарбияланаётган ўғил-қизларимиз қитъа, жаҳон ва Олимпиада ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", деган эзгу ғоя нақадар тўғри айтилганини исбот қиладилар. Чунки юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси сингари бўлажак чемпионлар парвозига қанот бағишлайдиган ишончли пойдевор мавжуд.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

### Молия муассасаларида

***Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар жараёнида республикамиздаги мавжуд молия муассасалари ҳам ўз маблағ ва хизматлари билан фаол иштирок этаётгани диққатга сазовордир.***

## «Микрокредитбанк»:
# ТАДБИРКОРНИНГ ЭНГ ЯҚИН МАДАДКОРИ

Жумладан, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ўзининг 4 та филиали ҳамда 30 та мини-банки орқали ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур молия муассасаси мижозлари сони ўтган йили 750 тага кўпайиб, 9 минг 845 тага етгани бунинг тасдиғидир.

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Тўрткўллик тадбиркор Иброҳим Нураддинов "Микрокредитбанк"нинг 50 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига "Нури Ҳамро ТНУ" кичик корхонасини ташкил этган эди. Айни пайтда Хитойдан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган ушбу корхонада ўнга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа вақт ичида харидорларга 22 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Банк жамоаси томонидан, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида "Амударё колбасаси" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ва бешта янги иш ўрни яратилган бу корхонада шу кунгача қарийб 140 миллион сўмлик сифатли колбаса маҳсулотлари тайёрланди.

Нукус шаҳридаги "Интер фарм" кичик корхонаси ҳам "Микрокредитбанк"нинг доимий мижозларидан ҳисобланади. Ёш тадбиркор Елена Галимова раҳбарлик қилаётган мазкур корхонада ҳар хил уй-рўзғор ва идора мебеллари тайёрланади. Бу маҳсулотларга талаб катта. Банк томонидан мунтазам молиявий кўмак бериб келинаётганлиги, қўшимча иш ўринлари яратилаётганлиги корхона муваффақиятларига асос бўлмоқда. Елена бундан икки йил муқаддам "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, нуфузли ўринни қўлга киритгани эса жамоани янги марраларни забт этишга ундамоқда.



— Яқинда "Микрокредитбанк"дан яна 22 миллион 500 минг сўмлик кредит олиб, қўшимча 6 кишини иш билан таъминладик, — дейди Е. Галимова. — Ушбу кредит ҳисобига маҳсулотларимиз турини кўпайтириб, сифатини янада яхшилашга эришаяпмиз.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистонда "Микрокредитбанк" билан ҳамкорлик қилиб, ўз фаолиятини тобора кенгайтираётган тадбиркорлар сони кун сайин ортмоқда. Банк томонидан ўтган йил мобайнида Оролбўйидаги 1052 та тадбиркорлик субъектига 14 миллиард 455 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилгани, 7 минг нафардан ортиқ киши ишга жалб қилинганининг самараси бу, албатта.

— Кредит олган мижозларнинг минг нафардан зиёдроғи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларда фаолият юритади, — дейди банк филиали раҳбари ўринбосари Дилбар Хожаниёзова. — Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда. Натижада ўтган вақт мобайнида мазкур Фармонда белгиланган имтиёзли ва кам фоизли шартларда 778 та тадбиркорлик субъектига 8 миллиард 346 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Ушбу маблағлар, асосан, саноат, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва қурилиш соҳаларига йўналтирилгани эътиборга лойиқдир.

Филиал томонидан аҳоли бўш маблағларини омонатларга жалб этиб, "Баркамол авлод", "Капитал", "Фахрий", "Шодиёна", "Устоз" каби 22 турдаги омонат очилгани ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Уларга шу кунгача 3 миллиард 596 миллион сўм миқдорида маблағ тушурилгани шундан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк" тадбиркорларнинг ишончли молиявий кўмакдошига айланмоқда. Бу ишонч эса, табиийки, уларнинг фаолияти янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.** t

---

# «ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМИЗ»

## дейишмоқда муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларимиз

***Президентимизнинг 2010 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига биноан Сурхондарё вилоятида ҳам танлов асосида саралаб олинган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.***

— Камарингни маҳкам боғла. Бугундан бошлаб сен нафақат ота-онангнинг, балки шу Ватаннинг ҳам муносиб ҳимоячисисан, — дейди ўғли Бобур Аҳмадалиевни кузатиш учун вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктига келган Санобар Пардаева.

Аҳмадалиевлар оиласи Термиз шаҳрининг Алпомиш маҳалласида яшашади. Бобур давлат университетининг молия-кредит факультетини битирди. Муддатли ҳарбий хизматдан қайтгач, магистратурада ўқишни дилига туккан.

Узун туманидан 15 ёшли Алишер акаси Фазлиддинни кузатгани ота-онасига эргашиб йиғин пунктига келибди. Акасига ҳарбий либос ярашганини кўриб унинг завқи тошади. " — Мен ҳам, албатта,

### Мардлар қўриқлайди Ватанни!

уларнинг тўнғич ўғли. Яқинда академик лицейни тамомлади. Тарих, адабиёт фанларини кунт билан ўрганди. Спортнинг футбол тури билан шуғулланди. Унинг "Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, сўнг ўқишни давом эттираман", деган гапи ота-онасига ҳам маъқул тушди. Чақирув комиссияси уни хизматга ҳар жиҳатдан лойиқ топди. Бобур йигитлик бурчини адо этишга киришаётганидан хурсанд.

— Ватан ҳимоясига отланаётган йигитларимизга ҳавасингиз келади, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими Баҳодир Жалилов. — Ҳаммаларининг қадди-қоматлари келишган. Жисмонан баркамол. Яна ҳар бирининг эгаллаган касб-кори бор. Бири олий маълумотли иқтисодчи бўлса, яна бири пайвандчи, бошқаси ҳунарманд. Хуллас, ҳаёт ташвишларини унча-мунча идрок эта олган йигитлар.

Бойсун туманидаги Олмазор маҳалласидан келган Умид Идрисов ўтган йили Термиз ҳарбий хизматга бораман. Унга қадар яхши ўқийман. Спорт билан шуғулланаман", — дейди йигитча.

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши бўлими бошлиғи Улуғбек Тўраевнинг айтишича, кенгаш жамоаси ҳам Президентимизнинг қарори юзасидан жойларда кенг қамровли ташкилий-тушунтириш ишларини олиб борди. Таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларида ёшларнинг ҳар жиҳатдан ҳарбий хизматга тайёргарлиги бўйича кўрик-танловлар, кўргазмали семинарлар ўтказилди. Йигитларни руҳан тетик, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш тадбирлари амалга оширилди.

"Сафлан!" деган буйруқ янграйди. Саксон тўққиз ёшли Рўзмон бобонинг "Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин", деган дуоси йиғилганларнинг дилидаги эзгу ниятларнинг ифодаси бўлди.

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Илмий ва малака ошириш ишлари бўйича проректор Шукритдин Ильясович Пахрутдиновга волидаи муҳтарамаси
**МУҚАДДАМ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва ҳудудий нодавлат телерадиокомпаниялар жамоалари Сурхондарё вилояти "Ишонч" телерадиокомпанияси раҳбари Абдуғани Қодировга волидаи муҳтарамаси
**НОРОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари доктори Олимжон Шариповга падари бузруквори
**ШУКУР отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Ахборот технологиялари кафедраси собиқ ўқитувчиси
**Севара ЕРГАШЕВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, доцент Холдор Мамараҳимовга укаси
**Одил ҚАЮМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

# ОБ-ҲАВО (15 февраль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5, даража илиқ, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 2-4 даража илиқ, кундузи 11-13 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

---

### Яхши хабар

# Андижонлик полвонлар ютуғи

***Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда андижонлик полвонлар совриндорлар сафидан жой олишди.***

Жумладан, 63 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида гиламга чиққан Музаффар Ризаев саралаш беллашувларида рақиблари устидан осонлик билан ғалаба қозонди. Финалда эса озарбойжонлик кўплаб халқаро турнирлар ғолиби Анзар Мамедовни енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Яна бир вакилимиз Муслим Абдурашидов бронза медали билан кифояланди.

**Ш. ОДИЛОВ.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 77169 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5